



**FINTECH TIЖОРAT БАНКЛАРИ РАҚАМЛИ
ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10540743>

Alpisbaeva Shaxnoza Salamat qizi

Toshkent Moliya instituti talabasi

Ilmiy rahbar

DSc, professor **Rustamov Davron Rustamovich**

АННОТАЦИЯ

Fintech atamasi tarkibiga kiruvchi zamonaвий raqamli texnologiyalar moлиявий sektor ishtirokchilari tarkibi va biznes modelini ўzgartirishga undamoqda. Ayni paytda, raqamli moлиявий texnologiyalar raqamli iqtisodiyet rivojlaniшининг, xususan, bank sektori raqamli transformatsiyasining xarakatga keltiruvchi omili бўлиб хизмат қилмоқда. Maқолада raqamli moлиявий texnologiyalardan foйdalаниш va raqamli transformatsiyani samarali amalga oshirishga қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар

Fintech, BigTech, Fintech экотизими, raqamli moлиявий texnologiya, raqamli платформа.

ABSTRACT

Modern digital technologies, which are part of the term Fintech, are pushing to change the structure and business model of financial sector participants. At the moment, digital financial technologies are driving the development of the digital economy, in particular, the digital transformation of the banking sector. In the article, scientific proposals aimed at the use of digital financial technologies and effective implementation of digital transformation have been developed.

Keywords

Fintech, BigTech, Fintech ecosystem, digital financial technology, digital platform.

Кириш

Raqamli iqtisodiyet sharoitida isteъmolchilar talablariнинг ўzгариши, xarajatlarни қisқartiriш va samaradorlikни oshirishga nisbatan bosimning yuқoriligi tijorat banklarini zamonaвий raqamli texnologiyalardan keng kўlamda foйdalаниshga undamoqda. Shuningdek,



COVID-19 пандемияси рақамли трансформация жараёнларини янада жадаллаштиришга туртки бўлганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Бинобарин, иқтисодий ҳаракатсизлик шароитида банклар ўз миқозлари билан рақамли каналлар (платорма ва иловалар) орқали коммуникация ўрнатишга катта эътиёж сездилар. Айтиш мумкин, банк миқозлари ҳам банк филиалларида кўрсатиладиган анъанавий хизматлардан онлайн ва мобил хизматларни мақбул кўра бошладилар. Онлайн хизматларга талабнинг ортиши, ўз навбатида, Fintech компаниялари ва Bigtech платформаларини ҳам янги иштирокчиларга айланиши учун рағбат яратди.

«Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясида битта савдо майдончасида кенг қўламли банк ва банкдан ташқари молиявий хизматларни (қимматли қоғозлар билан операциялар, суғурта ва бошқалар) тақдим этишга йўналтирилган молиявий супермаркетларнинг бизнес моделини яратиш, шунингдек, тижорат банклари

томонидан миқозларга масофавий банк хизматлари, шу жумладан, мобил иловалар орқали хизмат кўрсатиш қўламини ва сифатини ошириш каби устувор вазифалар белгилаб олинган [1].

Рақамли трансформация таклифлар, жараёнларни автоматлаштириш, миқозлар тажрибаси, маълумотлар интеграцияси, ташкилий мослашувчанлик ва сотиш билан боғлиқ кенг доирадаги ўзгаришларни тақозо этади. Шу жиҳатдан қараганда, рақамли молиявий технологияларнинг трансформацион жараёнлардаги ролини тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича асосланган хулосалар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Молиявий соҳада янги атама сифатида FinTech молиявий хизмат кўрсатиш институтлари томонидан қабул қилинган янги технологияларни тавсифловчи машҳур тушунчага айланди. Ушбу атама маълумотлар хавфсизлигидан тортиб молиявий хизматларни етказиб беришгача бўлган кенг қўламли техникани ўз ичига олади [2].

FinTech экотизимида 4 та элемент қиради: молиявий институтлар, технология компаниялари, инфратузилма иштирокчилари, истеъмолчилар ва фойдаланув-чилар [4].

FinTechни молиявий хизматлар ва ахборот технологиялари комбинацияси сифатида аниқлаш мумкин [5].



FinTechнинг ривожланиши ва тарқалишини рақамли иқтисодиётга ўтишнинг хусусий ҳолати, яъни молиявий фаолиятни рақамлаштириш сифатида баҳолаш мумкин [6].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида танланма адабиётлар таҳлили усули асосида Fintech атамасига доир қарашлар тадқиқ қилинди, шунингдек, гуруҳлаштириш, индукция, дедукция, таққослаш, анализ ва синтез усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Маълумки, Fintech рақамли технологиялар ва катта маълумотлардан фойдаланишга асосланган молиявий инновацияларни англатади. Айни пайтда, рақамли технологиялардан фойдаланиш кўплаб мавжуд молиявий хизматларни янада самаралироқ тақдим этиш ва ушбу хизматларни яхшилаш имконини беради.

S&P Global ўзининг 2018 йилдаги “АҚШ. Fintech бозори ҳисоботи” да (U.S. Fintech Market Report) Fintech фаолиятини олти турга ажратади: тўловлар, рақамли кредитлаш, рақамли банкинг, рақамли инвестицияларни бошқариш ва шахсий молия, блокчейн ва insurtech1.

Халқаро амалиётда Fintech банк сектори учун жиддий таҳдид ва рақобатбардошлик омили сифатида қаралмоқда. Чунончи банк секторидаги рақобат тижорат банклари ўртасидаги ўзаро рақобатдан Fintech компаниялари билан рақобатга кўчди. Эндиликда йирик капитал базасига эга банк эмас, балки янги банк бизнес моделини муваффақиятли жорий эта олган кредит институти рақобатбардош бўлиши мумкин.

Оддий Fintech фирмаси банкларнинг маълум бир маҳсулотига қарши турадиган ихтисослашган фирмадир. Масалан, Fintech кредит фирмаси одатда кредит бозорининг ихтисослашган сегментида банклардан бозор улушини тортиб олишни

мақсад қилади. Fintech компанияларининг банкларга қандай таҳдид солаётганини тушуниш учун нобанк ташкилотларнинг банклар билан рақобатлашишини кийинлаштирадиган ўзига хос жиҳатларни ва рақобат устунликларини тушуниш муҳимдир. Таъкидлаш лозимки, банклар ўз балансининг иккала томонидан ҳам, балансида кўрсатилмаган фаолиятдан ҳам даромад оладилар. Аслида, одатдаги йирик банк энг яхши фаолият портфели сифатида қаралади. Ушбу фаолиятларнинг аксарияти нобанк ташкилотлар томонидан амалга оширилади ёки амалга оширилиши мумкин, шунинг учун банклар ушбу фаолиятнинг барчасида бўлмаса ҳам, нобанк институтлар билан рақобатлашадилар. Масалан, кредит бериш билан турли



нобанк кредит институтлари шуғулланади. Бироқ, нобанк ташкилотлар миждозларига депозит ҳисобларини таклиф қила олмайди.

Кўп жихатдан омонатларни қабул қилиш функцияси туфайли банклар молия тизимида асосий роль ўйнайди. Айни пайтда, миждозлар ўз омонатларини банкдан олиб қўйишлари тижорат банклари учун муайян рискларни келтириб чиқаради. Натижада банк сектори ликвидлилик муаммолари ортидан бутун молия тизимига хавф туғдириши мумкин. Шу боисдан, банклар фаолияти қаттиқ тартибга солинади ва бу ҳолат, ўз навбатида, уларнинг операцион харажатларини оширади. Банклар билан рақобатлашмоқчи бўлган Fintech компаниялари буни банклар таклиф қилганидан кўра арзонроқ ва яхшироқ молиявий хизматларни таклиф қилиш орқали амалга оширишлари мумкин. Агар тартибга солиш бўлмаса, банклар кўпгина Fintech инновацияларига таклид қилиши мумкин эди. Йирик универсал банклар шунга ўхшаш маҳсулотларни таклиф қилувчи Fintech компанияларига нисбатан анча устунликка эришар эди, чунки улар аллақачон мустаҳкам миждозлар базаларига эга.

Бундан ташқари, Fintech секторининг ривожланиши бир қатор қўшимча рискларни ҳам юзага келтиради. Fintech компаниялари томонидан тижорат банклари бозор улушининг муайян қисмининг эгалланиши Марказий банкнинг банк секторига таъсир доирасини қисқартиради. Бу эса, ўз навбатида, тартибга солиш билан боғлиқ рискларни келтириб чиқаради. Бироқ бу каби рискларни тартибга солиш имконияти мавжуд. Масалан, молиявий хизматлар кўрсатувчи компанияларни лицензиялаш, рўйхатга олиш каби талаблар шулар жумласидан.

Fintech томонидан таклиф этилган турли хил янгиликлардан тегишли банк тизимининг операцион харажатларини камайтириш учун фойдаланиш мумкин. Масалан, front-line маконида виртуал ёрдамчилар миждозларга хизмат кўрсатишни яхшилаши мумкин, бу эса меҳнат харажатларини камайтиради, ақлли, электрон идентификация ва оптик белгиларни аниқлаш ечимларини такомиллаштиради.

Банк жараёнларини стандартлаштириш ва рақамлаштириш Fintech компаниясига маҳсулот ва хизматларни анча арзон нархларда сотиш имконини беради. Баъзи ҳолларда халқаро транзакциялар учун анъанавий каналларга қараганда тахминан 75% арзонроқ ечимлар ишлатилган. Рақамлаштирилган тўлов ва блокчейн технологияларидан фойдаланган ҳолда, тижорат банклари нафақат ўз операциялари самарадорлигини оширади, балки йилига миллиардлаб долларларни тежайди.

Fintech технологиясидан тобора кенгроқ фойдаланиш банк операцияларини автоматлаштириш имконини беради ва миждозлар мобил



телефонлар ва планшетлар (мобил банкинг) ёрдамида тўловларни амалга оширишлари мумкин. Шунинг учун

ходимлари операцияларни бевосита амалга оширишдан кўра кўпроқ маслаҳатчи ролини ўйнашлари керак.

Citigroup маълумотларига кўра, 2025 йилга бориб АҚШ банклари ходимлари сони 30 фоизга, яъни бугунги кундаги 2,6 миллион кишидан 1,8 миллион кишигача қисқариши кутилмоқда². Европада банк соҳасида ишлайдиган ходимлар 38 фоизга, яъни 2,9 миллиондан 1,8 миллионгача камайиши кутилмоқда³. Fintech банкларнинг бизнес жараёнларини яхшилашга ёрдам берадиган рақамли процедураларни таклиф қилади. Масалан, илғор қидирув тизимлари автоматик қарор қабул қилиш тартиб-қоидалари билан биргаликда кредитни тезда тасдиқлашга олиб келади.

Тижорат банклари рақамли трансформация билан боғлиқ рискларни, хусусан, махфий маълумотларнинг чиқиб кетиши, маълумотларга рухсатсиз кириш ва киберхавфсизлик билан боғлиқ бошқа рискларни тўғри баҳолаши ва бошқариши керак. Шу сабабли, рақамли трансформация бўйича босқичма-босқич режани тузишдан олдин, жорий бизнес жараёнлари ва IT инфратузилмаси кенг қамровли қайта кўриб чиқилиши керак. Хусусан, банк даражасидаги хавфсизлик бўшлиқлари таҳлил қилиниши ва рақамли ечимлар ёрдамида уларни қандай йўқ қилиш йўллари аниқланиши зарур.

Айни пайтда, таъкидлаш ўринлики, рақамли трансформация катта миқдордаги ресурсларни талаб этади. Бироқ, рақамли трансформациядан кутиладиган ижобий натижалар ҳам талайгина. Биринчидан, мисли кўрилмаган даражадаги қулайлик, миқдорлар фойдаланиш учун қулай мобил иловалар ва хизматларга осон кириш. Иккинчидан, фойдаланувчиларга ўз банклари билан 24/7 алоқада бўлиш имконини берувчи уланиш. Ниҳоят, банк институтларига рақамли тенденцияларни кузатишда ёрдам берадиган инновация шулар жумласидандир.

Банк секторининг ўзгариши банкларнинг тўлиқ рақамли хизматларни таклиф эта бошлаганини, миқдорлар билан тўғридан-тўғри мулоқотни минималлаштириш, кучли ва тезкор банк IT-маҳсулотлари ва тизимларини жорий этишини англатади. Бошқача айтганда, банк институтлари ўз-ўзидан технологик компанияларга айланмоқда. Банк ичидаги IT ва маркетинг бўлимларининг синергияси рақамли маҳсулотларни ички ва ташқарига қулайроқ етказиб бериш имкониятини беради.

Мослашувчан хизматлар, янги бизнес моделлари ва тезроқ бозорга чиқиш вақти билан технологик чаққонликнинг мазкур даражаси рақамли трансформациянинг моҳияти белгилаб беради.

Пировардида, тижорат банкларнинг рақамли стратегия ташаббуслари куйидагиларга олиб келади: қоғозбозликка барҳам бериш; мижозларга хизмат кўрсатиш, транзакциялар ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун сарфланадиган вақтнинг қисқариши; иш унумдорлигининг ошиши, ташкилий шаффофлик, самарали жамоавий иш, пастроқ операцион харажатлар, асосий фаолиятдаги рискларни камайтириш, кўпроқ даромад.

Ўзбекистонда сўнги пайтларда банк секторини ислоҳ қилишга устуворлик берилмоқда. Хусусан, рақамли иқтисодиёт имкониятларидан кенг фойдаланиш, рақамли технологияларни банк секторига фаол жалб этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу боисдан, банк соҳаси регулятори томонидан “Банкларни рўйхатга

2 https://www.citigroup.com/citi/investor/quarterly/2021/ar20_en.pdf

3

<https://www.ecb.europa.eu/press/pr/date/2020/html/ecb.pr200608~4613968937.en.html>

олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида” ги Низомга ўзгартириш киритиш орқали ҳуқуқий айланмага “рақамли банк” атамасининг киритилиши ҳам бежиз эмас. Ушбу норматив ҳужжатга кўра, «рақамли банк» — инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда (касса хизматларини кўрсатмасдан) банк хизматларини масофавий кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмасидир [3].

Хулоса ва таклифлар

Fintech ривожини банк сектори учун қўшимча рискларни яратибгина қолмай, рақобатбардошлиқни ошириш, бизнес моделни рақамлаштириш учун ўзига хос рағбат вазифасини ҳам ўтайди.

Фикримизча, республикада тижорат банкларининг рақамли трансформациялашувини янада жадаллаштириш мақсадида куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Рақамли трансформация бўйича аниқ стратегиянинг ишлаб чиқилиши ва уни амалга ошириш учун етарлича молиявий ресурслар ажратилиши.

2. Банк раҳбар ходимларида рақамли компетенцияларни шакллантириш.

3. Рақамли трансформация жараёнларини мониторинг қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Банк кенгаши таркибида мувофиқ қўмита тузиш.



4. Банк менежментини рағбатлантиришда рақамли трансформация жараёнларига оид КРІ кўрсаткичларидан фойдаланиш. Умуман олганда, республикамиз тижорат банкларининг рақамли трансформациясини жадаллаштириш рақамли иқтисодиёт шароитида юзага келадиган кучли рақобатга банкларимизни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, рақамли трансформацияни чуқурлаштириш банк секторига иқтисодиётнинг бошқа секторлари учун ўзига хос бенчмаркинг вазифасини ўтиш имконини ҳам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “«Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони.
2. Gai, K., Qiu, M., & Sun, X. (2018). A survey on FinTech. *Journal of Network and Computer Applications*, 103, 262–273. doi:10.1016/j.jnca.2017.10.011
3. “Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори, 31.07.2018 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 2014-13.
4. Жданова Ольга Александровна Финтех-акселераторы - институты финтех- экосистемы // Общество: политика, экономика, право. 2018. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/finteh-akseleratory-instituty-finteh-ekosistemy>.
5. Котляров И.Д. Финтех: сущность и модели реализации // ЭКО. 2018. №12 (534). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/finteh-suschnost-i-modeli-realizatsii>.
6. Савина Т. Н. Цифровая экономика как новая парадигма развития: вызовы, возможности и перспективы // Финансы и кредит. 2018. Т. 24. № 3. С. 579–590.
7. Ogli I. T. K. Introduction of Innovative Technologies in Commercial Banks in the Context of Increased Competition // *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*. – 2023. – Т. 20. – С. 57-59.
8. Турсунова Н., Очилов Б. Вопросы повышения роли финансового рынка в деятельности корпоративных структур // Экономика И Образование. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 108-112.
9. Xayrulla o'g'li I. T. PARTISIPATOR BYUDJETLASHTIRISH FUQAROLARNING BYUDJET JARAYONIDAGI ISHTIROKINING SAMARALI



MEXANIZMI SIFATIDA //SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM. - 2023. - T. 2. - №. 15. - C. 228-229.

10. Bobirjon A., Bobur O. Investment Analysis and Risk Prevention Mechanisms //The Peerian Journal. - 2023. - T. 25. - C. 31-40.

11. Xayrulla o'g'li I. T. MOLIYA BOZORINI TARTIBGA SOLISH BO 'YICHA JAHON TAJRIBASI //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. - 2023. - T. 11. - №. 5. - C. 330-339.

12. Ataniyazov J., Shirinovna S. Blockchain as a new stage in the development of the digital economy of Uzbekistan //Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry. - 2021. - T. 12. - №. 7.

13. Khairullaevich I. T. The Possibilities of Using Digital Technologies in the Financial, Banking and Tax System in Uzbekistan //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. - 2023. - T. 20. - C. 51-56.

14. Azizov U., Ataniyazov J. Reforming the global financial architecture and international financial system in the context of globalization //International Finance and Accounting. - 2019. - T. 2019. - №. 5. - C. 1.

15. Khairullaevich I. T. PROBLEMS OF FINANCING GENERAL SECONDARY EDUCATION IN THE CONDITIONS OF DEVELOPING INNOVATIVE ECONOMY IN UZBEKISTAN //MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH. - 2023. - T. 2. - №. 23. - C. 376-379.

16. Aktamov B. BAHOLASH FAOLIYATINI DAVLAT TOMONIDAN TARTIBGA SOLISHNING MILLIY VA XORIJ AMALIYOTLARI XUSUSIYATLARI: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a34 //Iqtisodiyot va ta'lim. - 2022. - T. 23. - №. 3. - C. 228-233.

17. Ataniyazov J. IMPROVING FINANCIAL AND CREDIT MECHANISMS FOR THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS ENTITIES //American Journal of Interdisciplinary Research and Development. - 2023. - T. 21. - C. 50-62.

18. Aktamov B. O 'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA BAHOLASH FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH YO 'NALISHLARI VA UNING TASHKILIY-HUQUQIY ASOSLARI //Евразийский журнал академических исследований. - 2023. - T. 3. - №. 12 Part 2. - C. 162-172.

19. Aktamov B. BAHOLASH FAOLIYATINI RAQAMLASHTIRISH ISTIQBOLLARI //YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT. - 2023. - T. 1. - №. 10. - C. 248-252.

20. Ataniyazov J. Important Aspects of the Development of Foreign Economic Activities //The Peerian Journal. - 2023. - T. 23. - C. 27-36.



21. Bobirjon A., Bobur O. ANALYSIS OF DEVELOPED COUNTRIES IN ATTRACTING ACTIVE INVESTMENTS.